



ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган.

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚИШМИ

№ 40 (9.078) * 1998 йил 8 апрель, чоршанба * Сотувда эркин нархда

**Иқтисодиётга
чет эл инвести-
циясини жалб
этиб, хорижий
шериклар билан
ҳамкорликда ра-
кобатбардош
маҳсулотлар иш-
лаб чиқаришни
йўлга қўйган кор-
хоналарнинг ис-
тиқболи порлок
эканилигини Сер-
гелидаги «Ме-
бель» хиссасдор-
лик жамияти жа-
моаси яхши ан-
лаб этди.**

Узининг хари-
дорбон мебеллари
билан нафақат
республикамизда,
балки қўшни дав-
латларда ҳам ўз
буюртачисига эга
бўлган бу корхона
ўтган йилни му-
ваффақиятли якун-
лаб, жорий йилни
ҳам янги-янги си-

Саноат ХАРИДОРБОН МЕБЕЛЛАР

фатли мебеллар
ишлаб чиқариш йў-
лидаги изланишлар
билан бошладилар.
— 1993 йилда
хиссасдорлик жа-
миятига айланган
бўлса, — дейди
жамият раиси
Алижон Қирғиз-
боев, — ўтган қис-
қа давр мобайни-
да жамоамиз ахли-
нинг меҳнатта му-
носабатлари тўла
ўзгарди. Бунини
уларнинг самарали
меҳнатларидан, ян-
гиликка интилиш-
ларидан, харидор,
бугунги бозор тала-
бига тезда мосла-
ша олишдан кўра
қўнғи бўлди. Бу давр
мобайнида корхо-
намизнинг кўпгина
сифатлари ва
харидорбон ме-
беллар тайёрлаш-
да Италиянинг ил-
гор технологияси
жорий этилди. Уни-
нг эски ускуналар-
дан фарқи шунда-
ки, унда мебел қис-
млари жуда қисқа
фурсатларда, шу
билан бирга сиф-
фатли қилиб чиқа-
рилади.

Мобелсозлар ўт-
ган йили 400 мил-
лион сўмлик мах-
сулот тайёрлаб, 70
миллион сўм соф
фойда олдилар.
Фойданинг 18 мил-
лион сўми акция-
дорларга дивиден-
д тарқатилди. Қол-
ган қисми эса корхо-
на замонавий тех-
нология билан жи-
ҳозлашга сарф-
ланади, юксак
унумли дастгоҳлар
сони кўпаяди. Бу,
албатта мебелсоз-
ларнинг янги мува-
фақиятларга унда-
ши, шубҳасиз.
Айниқса, корхонада
чиқарилаётган «Ху-
мо», «Наврўз»,
«Наргиз» деб ном-
ланган мебел тер-
маляри ўзининг кў-
риниши ва сифати
билан харидорлар
эътиборини тор-
тган.
Корхонанинг ре-
жалари улкан. Улар
Литва ҳамда Шве-
ция мамлакатлари
билан қўшма кор-
хоналар тузиб, ди-
ди банд харидор-
лар эътиборини
ҳам қозониши ният-
далар. Ишлаб чиқа-
рилган маҳсулотлар
эса жажон бозори-
дан муносиб ўрин
олиши мебелсоз-
ларнинг сая-ҳара-
катларига боғлиқ.
Шоҳида БОБОВА.



Кўргазмалар

«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — 98»



Кейинги 2-3 йил ичида
мамлакат фармацевтика
саноатини ривожланти-
риш мақсадида Тошкент,
Андижон, Сурхондарё, Бу-
хоро шаҳарларида инфу-
зион эритмалар, глюкоза-
лар, гемодезлар, тузли
эритмалар, кенг қўлани-
ладиган антибиотикларни
ишлаб чиқарувчи қўлаб
қўшма корхоналар ташкил
қилинди. Улар маҳсулот-
ларига Қирғизистон, Ко-
зогистон ва Тожикистон-
дан ҳам қўлаб буюртма-
лар тушмоқда. Бундан
ташқари, минтақалар та-
лаб-эҳтиёжларини ҳисоб-
га олган ҳолда энг илгор
диагностика апаратуралар
хариб қилиш учун 23,5 мил-
лион немис маркаси аж-
ратилди. Бу йил 2 та

ўрин тутди. Зеро, Анг-
лиянинг I TE Group ҳамда
«Тибмаҳсулот» фирмала-
ри ташаббуси билан ўт-
казилаётган мазкур кўр-
газмада Англия, Герма-
ния, Франция, АКШ, Ав-
стрия, Словакия, Финля-
ндия, Ҳиндистон каби етак-
чи фармацевтика давлат-
ларининг юзга яқин фир-
малари ўз дори-дармон,
косметика воситалари,
тиббий асбоб-анжоми ва
технологиялари билан
иштирок этмоқда. Шунис-
и эътиборга молиқки,
уларнинг 30 фоизи мам-
лакатимизга илк бор таш-
риф буюришди.

Биз «Соғлиқни сақлаш-
98» кўргазмасида бирин-
чи марта иштирок этаёт-
ган фирмалардан бирини-
нг вакили билан учрашиб
уларнинг мақсад ва режа-
лари билан танишдик.
— Фирмамиз кўз касал-
ликларини даволаш бора-
сида жаҳондаги энг етак-
чи тиббий марказлари-
дан биридир, — дейди
АҚШнинг «Алкон Лабо-
раторис Инк» компанияси-
нинг Марказий Осиё
бўйича минтақавий мене-
жери Макс Шнибергер. —
Жаҳоннинг деярли 90
фоиз мамлакатларида ва-
колатхоналаримиз бор ва
Ўзбекистон бозорига ҳам
дистрибютерлар тармоғи
ҳамда ваколатхонамизни
очган ҳолда кириш ния-
тимиз бор. Фаолият кў-
ламимиз кенг — кўз са-
салликларини даволаш
учун тиббий препаратлар-
ни, кўз жарроҳлиги учун
анжомлар, контакт линза-
ларига хизмат кўрсатиш
воситаларини ишлаб чи-
қариш шулар жумласи-
дан. Бундан ташқари
табиғий дастурларини
амалга ошириш билан
ҳам шуғулланамиз.
Мазкур кўргазма тиб-
биёт ва фармацевтика со-
ҳалари бўйича Ўзбеки-
стоннинг хорижий мамла-
катлар билан амалий ва
савдо-иқтисодий алоқа-
ларни кенгайтириш ва
мустақамлаш борасида-
ги муҳим қадамларидан
бири бўлди.
Даврон ИСАЕВ.
СУРАТЛАРДА: «Соғлиқ-
ни сақлаш — 98» халқаро
кўргазмасида.
Рашид Галиев олган
суратлар.

Тадбирлар

КАСБ БАЙРАМИГА УЙҒУН ҲОЛДА

**Шаҳримиздаги «Геология Фахрийлари» клубида Наврўз айёми
ҳамда Геологларнинг касб байрами-
га бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**
Шодиёнага бутун умрини ер қазил-
ма бўлишлари ишлаш, уларни ўр-
гани халқ хўжалигида фойдаланишга
бағишлаган кекса геологлар иштирок
этишди. Ўзбекистон Республикаси Ге-
ология ва минерал ресурслар давлат
қўмитаси раиси Тўлқин Шоёкубов фах-
рийларни кўш байрам билан кутларкан,
бугунги кунда республикамиз иқтисо-
дийни юксалтиришда салмоқли иш-
лар қилинаётгани, хусусан «Зарафшон
— Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка

Мурод РАҲИМОВ.

**Тошкент давлат юридик институтинида Юнусовд ту-
мани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси,
«Аёл ва жамият» институти ҳамда Конрад Аденауэр
жамғармаси ҳамкорлигида «Хотин-қизларнинг замона-
вий маҳалладаги роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**
Семинарда Ўзбекистон
Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари, республика
хотин-қизлар кўмитасининг
раиси Дилбар Ҳуломова иш-
тирок этиб, замонавий маҳал-
лада аёлларнинг ролини
ошириш бўйича республика
хотин-қизлар ташкилотлари

Анжуманлар

МАҲАЛЛА ВА АЁЛЛАР

олиб бораётган ишлар тўғри-
сида тўхталиб ўтди.
Шунингдек, аёл дунёсининг
чегаралари, маҳаллалар
уни қандай белгилайди, аёл
фаолиятининг шартлари,
аёнчалар ва ҳозирги замон,
хотин-қизларнинг ҳуқуқлари-
га нукта назар, болалар ҳи-
моиясини таъминлаш ва бош-
қа мавзуларда ҳам қизиқар-
ли қишлоқ бўлди.
— Бугунги кунда аёлларни-
мизнинг бир қисми раҳбар-
лик вазифаларида ишлайди.
Бу бевосита уларнинг қў-
лаб қўли билан муомала қи-
линиши тақозо қилади, — де-
ди Юнусовд тумани ҳоким-
ининг ўринбосари, туман хотин-

аёлларимизга шу нарса етиш-
маётгандек, — деди семинар
иштирокчиси, «Экосан» жам-
ғармаси Юнусовд тумани бў-
лими раҳбари Умида Шарип-
ова. — Семинарда кўтарил-
ган мавзулар жойларда ҳам
муҳокама қилинади. Замона-
вий аёл бугунги кунда қандай
хусусиятларга эга бўлиши ке-
рак? Ешларни оилавий ҳаётга
тайёрлаш масалалари Ўзе-
бекистонда қандай ҳал қили-
напти? Бу каби саволларга
бугун жавоб топгандек бўлди.
Бизнинг аёлларимиз бу бора-
да ҳали кўпгина ишларни
амалга оширишлари зарур.
Одил ҲАСАНОВ.

Фармон ва ижро

ТРАНСПОРТДА ИСПОХОТЛАР ЖАДАЛЛАШСИН

**Тошкент шаҳар назо-
рат инспекциясининг
ташаббуси билан Оила
йилига бағишланган
«Президент Фармонла-
ри — ҳаётга», «Имтиёз
ва имкониятлар» мав-
зусида семинар-кен-
гашлар барча туман-
ларда ўтказилиб бў-
линди.**

Шаҳар бошқармалари-
да биринчилар қатори-
да «Тошметрополи-
тен»нинг мажлислар за-
лида шаҳардаги барча
йўловчи транспорт, мет-
рополитен, юк транспор-
ти ҳамда «Тошвилоятне-
фтьмаҳсулот» корхона
раҳбарлари иштирокида
Ўзбекистон Республика-
си Президенти Фармон-
ларини тўлиқ баҳариш
ва ижро этиш бўйича кў-
рилаётган тадбирларни
янада такомиллаштириш-
га бағишланган «Прези-
дент Фармонлари — ҳаёт-
га», «Имтиёз ва имко-
ниятлар» мавзусида се-
минар-кенгаш ўтказилди.
«Президент Фармон-
лари: имтиёз ва имко-
ниятлар» мавзусида ша-
ҳар ҳокимининг ўринбо-
сари — назорат инспек-
циясининг раҳбари Б. Ка-
молов маъруза қилди.
«Тошшаҳарйўловчтран-
с» Давлат уюшмаси
бошқаруви раисининг
ўринбосари В. П. Соко-
лов, «Шаҳарюктранс»
концерни раиси А. Б.
Исамомедов, «Тошви-
лоятнефть маҳсулот» иш-
лаб чиқариш бирлашма-
си раҳбарининг ўринбо-
сари Р. Ж. Убайдуллаев-
лар Президент Фармон-
ларининг ижроси бўйича
сўзга чиқиди.
Маърузачи ва сўзга
чиққанлар Оила йилида
амалга оширилаётган
тадбирлар давлат дасту-
рининг баҳарилиши ҳам-
да транспорт корхона-
ларида иқтисодий исло-
хотларнинг боришини
янада жадаллаштириш-
ни таъминлаш хусусида
ўз фикр-мулоҳазаларини
билдирди.
Семинар-кенгашда
шаҳар ҳокимининг би-
ринчи ўринбосари —
«Тошшаҳарйўловчтран-
с» давлат уюшмасининг
раиси Р. Ф. Файзуллаев
сўзга чиқди.
(Ўз мухбиримиз).



БУЮК СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗ ЁДИ

**Эртага буюк соҳиб-
қирон бобомиз Амир
Темур таваллуд топан
кунга 662 йил тўлади.
Шу муносабат билан
республикамиз, унинг
пойтахти Тошкент
шаҳрида Амир Темур
ҳаёти ва фаолиятига
бағишланган ранг-ба-
ранг тадбирлар ўтқа-
зилмоқда.**

Бугун

Халқаро Амир Темур хай-
рия жамғармаси буюк
соҳибқирон ҳазратларин-
нинг таваллуд кунларига
бағишлаб наҳорда ош
берди. Эртага эса эрта-
лабданок шаҳримиз мар-
казидаги буюк бобомиз-
нинг маҳобатли ҳайкали
ўрнатилган хийбон ва
Темурийлар тарихи Дав-
лат музейи олдига тан-
таналар ўтказилади.
Маросим Амир Темур
хайкали пойга гулчам-
барлар қўйиш билан
бошланади. Унда олим-
лар, ёзувчи ва шоирлар,
жамоатчилик вакиллари
қатнашади. Шундан
сўнг бу ерда ўзига хос
халқ сайли бўлади. Ҳу-
шовоз хонандалар ижро-
сидаги қўшиқлар янграй-
ди. Бунда эл севган
санъаткорлар билан бир



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

қаторда маданият бў-
лимларининг дасталари,
болалар рақс ғуруҳи
аззолари қатнашади.
Кейин соҳибқирон
Амир Темур ҳазратларин-
нинг таваллуд кунига ба-
ғишланган «Барҳаёт сий-
мо» мавзусидаги илмий-
амалий, адабий-музыка-
ли анжуман Темурийлар
тарихи Давлат музейи
олдида давом этади.
Тўпланганлар Амир Те-
мур монологини тинг-
лайдилар. Шундан сўнг
Амир Темур стипендия-
си учун ўтказилган кў-
риқ-танлов ғолибларини
мукофотлаш маросими
бўлади. Халқимиз севган
санъаткорлар — Ўзе-
бекистонда хизмат кўрсат-
ган артистлар Маҳмуд-
жон Азимов, Гулбаҳор
Эркулова, Нуриддин
Ҳайдаров, Машраб Эр-
матов эл-юрт, буюк бо-
ларимиз, аждодларимиз
ҳақидаги қўшиқ-
ларни айтдилар.
Байрам қатнашчилари
Темурийлар тарихи Дав-
лат музейи биноси ичи-
да таъкил этилган со-
ҳибқирон бобомиз та-
валлудига бағишланган
кўргазма экспонатлари-
ни томоша қиладилар.
Музейнинг кино залла-
рида байрам қатнашчи-
лари ва меҳмонларига
соҳибқирон Амир Темур
ҳаётига бағишланган ви-
деофильм намойиш
этилди.
(Буюк соҳибқирон
бобомиз Амир Темур
таваллуд топан кунга
бағишланган махсус
саҳифа материалла-
рининг газетанинг 3-са-
ҳифасида ўқийсиз.)

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан
кўпгина давлат раҳбарларидан Ўзбекистон Прези-
денти Ислам Каримов номига самимий табриклар
келмоқда.
◆ Чехия саноат ва савдо вазири бошчилигидаги
ушбу мамлакат амалий доиралари делегацияси
аззолари Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмон-
хонасида ўзбекистонлик шериклари билан ўзаро
ҳамкорлик имкониятларини муҳокама этдилар. Меҳ-
монлар Вазирлар Маҳкамасида ҳам бўлдилар. Ке-
ча эса Самарқандни зиёрат қилдилар.
◆ Фан ва техника бўйича давлат қўмитасида
республикамиз билан Германия таълим, фан ва тех-
ника вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзаси-
дан ахдлашувлар имзоланди.
◆ Андижон вилоятида АҚШнинг «Би-Си-Ай Ин-
дустриез Ик» компанияси билан ҳамкорликда газ
сақланадиган ер ости иншооти қурилишига кири-
шилмоқда.
Ж А Х О Н Д А
◆ Австралия пойтахти Мельбурнда 63 мамлакат
вакиллари иштирокида «Осиё — Тинч океани мин-
тақасида XXI асрда таълим» мавзусида халқаро ан-
жуман бўлиб ўтди. Унинг доирасида Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқ-
ланган Қарлар тайёрлаш бўйича миллий дастур-
нинг тақдими ўтказилди.
◆ Тожикистон маъмурлари ва муҳолифат-
чилар Душанбе яқинидаги Кофарниҳон туман-
нидан ҳукумат қўшинлари ва муҳолифатчилар
қуролли бўлинмаларини олиб чиқиб кетишга ке-
лишиб олдилар. Ушбу қўшин ва қуролли бў-
линмаларини олиб чиқиб кетиш Бирлашган Мил-
латлар Ташкилоти кузатувчилари ҳамда Тожи-
кистон маъмурлари ва муҳолифатчилар назор-
ати остида амалга оширилади.
◆ Эртага Арманистон Президенти этиб сайлан-
ган Роберт Кочерянининг лавозимини расмий эгал-
лаш тантанали маросими ўтказилади. Марказий
сайлов комиссияси сўнгги маълумотларига кўра Ро-
берт Кочерян президент сайловларининг иккинчи
босқичида сайловчиларнинг 60 фоиз атрофида ово-
зини олишга муваффақ бўлган.
◆ Бугун АҚШ Президенти Билл Клинтон Ваши-
нгтонда Филиппин Президенти билан учрашади. Ун-
да Осиё минтақасидаги иқтисодий аҳвол ҳамда Фи-
липпиндаги вазият муҳокама этилиши мўлжаллан-
моқда. Маълумки, мана тўққиз ойдан бери Филиппин-
да давом этаётган исмили қўрилмаган қурғоқчи-
лик бу мамлакатни иқтисодий таназзул ёқасига олиб
келиб қўйди. Маъмурлар ҳозирги пайтда аҳолига
озиқ-овқат маҳсулотларини қатъий меъёр бўйича
тарқатишга мажбур бўлмоқдалар.
◆ Хитой янги Бош вазири Чжу Жонизининг Ев-
ропа мамлакатлари бўйлаб ташрифи давом этмоқ-
да. У Буюк Британияда Бош вазир Тони Блэр бил-
лан музокаралар ўтказганидан сўнг Парижда Фран-
ция Президенти Жак Ширак билан ҳам учрашди.
Ушбу музокараларда асосан Европа давлатлари би-
лан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни
янада ривожлантириш масалалари муҳокама этил-
моқда.
◆ Кеча Франция Президенти Жак Ширак собиқ
Югославияда тинчлик ўрнатиш муаммолари бўйича
Боснияда расмий ташриф билан бўлди.
◆ Бугун Женевада Хитойни Халқаро савдо таш-
килотига аъзо қилиб қабул қилиш юзасидан музо-
каралар бошланади.
◆ Ҳиндистоннинг олий суди 1991 йил 6 майда
Рахив Гандига суиқасдда айбланиб, олий жазога
ҳукм қилинган 26 террорчиға нисбатан белгилан-
ган ўлим жазосини ўз кучида қолдириш тўғрисида
қарор чиқарди. Мамлакат тарихида биринчи бор
бир йўла шунча одамга шундай олий жазо белги-
ланишидир.
◆ Марҳум Рахив Гандининг рафиқаси Сони Ган-
ди яқинлиқ билан Ҳиндистон Миллий конгресси
партияси раҳбари лавозимига тасдиқланди.
◆ Ўтган уч кун давомида Украинада Донецкдаги
шахтада метан газини портлаши оқибатида ҳалок бўл-
ган 63 қончи хотирасига мотам бўлди.
◆ Шу йил февраль ойда БМТ кузатувчиларини
гаровга олган машҳур террорчи Гочи Эсегуани Фар-
бий Грузиядаги Зугдиди шаҳрида дафн этиш маро-
симида иштирок этаётганларга қарши автоматлар-
дан ўт очилиши ва граната портлатилиши оқибати-
да беш киши ҳалок бўлди, 7 киши жароҳат олди.
Грузия махсус маҳкамалари вакиллари баёнот-
ларига кўра бу террорчилар Эдуард Шеварднадзе-
га нисбатан суиқасд иштирокчилари ҳисобланади.
Гочи Эсегуа эса 31 мартда отишма пайтида ҳалок
бўлган эди.
◆ Шу душанба куни Доғистоннинг Қизлар шаҳ-
рида номаълум жиноятчилар милиция постига ҳу-
жум уюштирдилар. Бунинг оқибатида икки мили-
циячи ҳалок бўлди.
◆ Бугун Россияда меҳнаткашларнинг оммавий
норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Бир неча
ойлар давомида иш ҳақларини ололмаётган жамоа-
лар сиёсий талаблар билан ҳам чиқмоқдалар.



Шахримизда фаолият кўрсатаётган «Расон» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган сантехника жиҳозлари ўзининг сифати ва қулайлиги билан чет элликдан қилинмайди. Шу туғайли корхона маҳсулотлари бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда.

СУРАТДА: қолиплаш цехи ишчиси Геннадий Лавриненко иш устида.

Рашид Галиев олган сурат.

Моддий неъмат бунёдкорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш пойтахт касабаси уюшмалари кенгаши фаолиятининг ўс-тувор йўналишларидан бўлиб, бу муҳим вазифа илҳом билан амалга ошириб келинмоқда. Яқинда шахар касабаси уюшмалари кенгашининг раёсати бўлиб ўтди.

«Тошкент шахар ҳокимлиги билан шахар касабаси уюшмалари кенгаши ўртасидаги Битимнинг 1997 йил мобайнида бажарилиши ва унинг 1998—1999 йиллар учун қабул қилинган матнини тасдиқлаш тўғрисида»ги масала бўйича Тошкент шахар ҳокимининг ўринбосари Р. Шоабдурахмонов маъруза қилиб, шахар микёсида олиб борилаётган ишлар, шахар ҳокимлиги билан пойтахт касабаси уюшмалари кенгаши ўртасидаги мазкур

Касаба уюшмалари

МЕҲНАТ АҲЛИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Битим ҳақида, шунингдек, шахар бюджетининг шаклланиши, ечимини кутаётган муаммолар ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида тўхталди. Туманларда касаба уюшма ҳаракатини янада ривожлантириш, унинг обрў-эътиборини кўтариш, таъсирчанлигини ошириш кераклиги, касаба уюшма кўмитасининг корхонада меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ҳақида манфаатларининг ҳимоячиси эканлиги алоҳида таъкидланди, аксарият ҳолларда корхона маъмурияти мавжуд камчиликларни ҳаспўшлаши, юзага келган муаммоларни четлаб ўтишга уринаётганлиги уларнинг фаолияти замон талабига жавоб бера олмаётганлигини аниқ-равшан баён этиб, меҳнат жамоасидаги ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий шароит, корхонанинг ижтимоий ривожланиши тўғрисида касаба уюшма кўмиталари томонидан баён этилган фикрлар кундалик ҳаётда ўз тасдиғини топаётганлиги ўқдирилди.

Шунингдек, корхоналарда меҳнат аҳлининг қонуний манфаатини ҳимоялашда касаба уюшма кўмиталарининг мурасасизлиги, қатъиятчилиги билан ишлаб, акциядорлик жамиятларида бошқарув раисининг акциядорларга ҳисобот бериб боришига эришиш, ишлаб чиқаришни бозор талаблари асосида янги ҳаётда ташкил этиш ва ишчиларнинг меҳнат манфаатдорлигини оширишда катта аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Йилгилишда Оила йилида меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги эзгу муштарак мақсадлар йўлида шахар ҳокимлигининг пойтахт касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамжиҳатликда олиб бораётган сазй-ҳаракатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, ривожланиши баён этилди.

Раёсат мажлисида «Меҳнат жараёнида жароҳатланган, касб касалиги билан касалланган ёки соғлиғи бошқача тарзда шикастланган, шунингдек, ишлаб чиқаришда ҳалок бўлган ишчи ва хизматчиларнинг оиласини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш таъминлаш бўйича энергетика саноати ходимлари касаба уюшма шахар кўмитасининг иш таҳрибаси тўғрисида», 1997 йилда касаба уюшма бюджет ва давлат ижтимоий сугурта бюджетларининг бажарилиши тўғрисида», «1998 йилда давлат ижтимоий сугурта бюджет ва шахар касаба уюшмалари кенгашининг касаба уюшма бюджет буйича даромадлари ва сарф-харажатлари сметасини тасдиқлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш кўрик-танловининг якунлари юзасидан ҳулоса чиқариш тўғрисида» каби қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Улуғбек ПУЛАТОВ.

Тошкент кимё-технология институти республикамизнинг озиқ-овқат, кимё саноатлари учун замонавий мутахассислар тайёрлаб берадиган етакчи олий ўқув юртидир. Ҳозир ушбу даргоҳда 25 га яқин ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Институтнинг салоҳияти улкан — олий ўқув юртида иккита академик, 40 та фан доктори ва 120 га яқин фан номзодлари ёшларга сабоқ бермоқда. Биз институтнинг халқаро алоқалари, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг институт ҳаётига қандай таъбиқ этилаётгани, маънавият ва маърифат соҳасида қилинаётган ишлар тўғрисида маънавият ва маърифат ишлари бўйича институт ректорининг биринчи ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор Ашраф Эминов билан суҳбатлашдик.

— Ашраф Маъмурович, олий ўқув юртларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш — замонавий кадрлар етиштиришнинг муҳим шартидир. Институтда бу борада қандай ишлар қилиняпти?

— Институтда мавжуд салоҳиятдан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида албатта биринчи навбатда моддий-техник негизни кучайтиришга асосий эътибор қаратиш керак. Шу мақсадда «Ўзғойтамаксаноат» ассоциацияси раҳбари А.Бадриддинов раислигида ўндан ортиқ вазирлик, концерн, корпорация ва ассоциациялар иштирокида ҳимийлик кенгаши тuzилган. Озиқ-овқат технологияси йўналишлари бўйича талабалар асосан ушбу тизимлар корхоналаридаги лабораториялар негизидан дарс, амалий машғулотларни ўтишади. Институтимизни тугатаётган мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам улар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Бундан ташқари, 1997-98-ўқув йилидан бошлаб талабаларни контракт асосида ўқиш-

га қабул қилиш жараёни йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра юридик шахс ёки корхонами, бундан қатъи назар улар юборган талабаларни тўлиқ пул ўтказиш йўли билан ўқишга қабул қилинмиш. Бундан тушган маблағ асосан профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, иш шaroитларини яхшилаш ҳамда маданий-маърифий ишларни кенг кўламда амалга ошириш учун сарфланади.

ндлар ташкил қилиб, миллий дастурни ҳаётга таъбиқ этиш бўйича ҳар бир факультетда семинар-кенгашлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича олий ўқув юртлари хориждаги етакчи илмий марказлар таърибасини ўрганиш, муаллим ва талабалар алмашиш, хуллас мустахкам ҳамкорлик алоқаларини боғлаш орқали замонавий илм-фан ютуқларидан

Миллий дастур

ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИС САЛОҲИЯТИ

— Институтда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга қандай аҳамият қаратишмоқда?

— Албатта, бу соҳадаги ишларни янада яхшироқ йўлга қўйиш учун 400 минг сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилиб, у миллий-маънавий кадрларнинг эъзозлаш, тушунириш ишлари, Мустақиллик, Наврўзга бағишланган байрам тадбирларини ўтказиш, республика кўшиқ танловида қатнашган талабаларни рағбатлантириш, театр ва музейларга экскурсиялар уюштириш учун сарфланади. Бу йил Президентимиз ташаббуси билан Оила йили деб эълон қилинганлиги сабабли, кам таъминланган профессор-ўқитувчи, ходим, талабалар оилаларига қўшимча моддий рағбат беришга ҳаракат қилинмиш. Алоҳида хонани маънавият маркази сифатида жиҳозлаганмиш. Ундан Осиёдан етиштиб чиққан буюк мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар ўрин олган. Бундан ташқари ҳар бир факультетда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил қилиб, уларни кераклик плакатлар ва бўлмоилар билан таъминладик. Ҳозир «Ўзбекистон — келажак буюк давлат», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — ҳаётга» сингари сте-

дан баҳраманд бўлган ҳолда жаҳонга юз тугиши айтилган. Бу соҳада ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса керак?

— Биз мустақил юртимиз илм-фанини ривожлантириш, замонавий билимларга эга бўлишимиз учун чет элнинг илгор технологиялари, илмий адабиётларидан унумли фойдаланишимиз, ўзаро таъриба алмашишимиз керак. Президентимиз Фармони билан «Ўстоз» жамғармасининг ташкил этилиши айниқса нур устига нур бўлди. Жамғарма Низомиди жуда хайрли мақсадлар, яъни профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларимиз чет мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтишлари, шунингдек хорижий давлатларнинг етуқ олимлари, мутахассисларни юртимизга тақлиф қилиб улар иштирокида маърузалар, давра суҳбатлари уюштирилиши кўзда тутилган. Шу мақсадларни амалга ошириш учун институт ёш профессор-ўқитувчиларининг маълумотлар банкни ташкил қилдик. Унда ҳар бир профессор, ўқитувчи, ассистент ва докторант тўғрисида маълумотлар тўпланган. Бундан ташқари, хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан алоқа қилиш мар-

зи ташкил этилди. Ушбу марказ бизнинг хориж билан алоқаларимизни мувофиқлаштириб туради.

Натижалар ўзини узоқ куттирмапти. Яқинда озиқ-овқат факультетининг катта ўқитувчиси Л.Бердиева Германиянинг академик алмашув фонди орқали мазкур давлатда малака ошириш учун сертификат олди. Сертификат бўйича у 1998 йилнинг май ойидан бошлаб Германиянинг Карлсруэ шаҳрида 1,5 йил мобайнида семинар-кенгашда қатнашди.

Германиянинг Ваймар университети билан доимий алоқалар ўрнатганимиз. Шу университет профессорлари Штарк, Шпауус, Бергерлар билан ҳамкорликда илмий мақолалар эълон қилдик. Улар бизнинг ўқитувчиларимизни малака оширишга қақариб туришади. Шунингдек, Греция, Бельгия ва Голландия университетлари билан ҳам яхши алоқалар ўрнатганимиз.

1996 йилда Европа ҳамжамиятининг ҳамкорлик дастури асосида институтимизга «Пентум» русумидаги ўрта компьютер, факс ҳамда 10 минг доллардан ортиқ қийматдаги кутубхона фонди олинди. Ҳозир дастур бўйича ҳамкорликдаги ишлар давом эттириляпти. Агарда ҳамкорлик дастури Европа ҳамжамияти комиссиясидан муваффақиятли ўтса, институтимизга катта миқдордаги маблағ ажратилади.

Ўтган йилнинг декабрь ойида институтимиз раҳбарияти, кафедра мудирлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказиб, унда Европа университетлари билан ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик.

Умуман, амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишларимиздан асосий мақсад, республикамиз кимё, озиқ-овқат саноати ва унинг экологик муаммоларини ҳал қилишга қодир, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

-1-

-2-

-3-

-4-

Анжуманлар

АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида машҳур олим Аҳмад ал-Фарғоний таваддулининг 1200 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ҳамда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликда ўтказди. Анжуманда олимлар, мутахассислар, талабалар, пойтахтимиздаги Миср маданий маркази, шунингдек, Тошкентдаги хорижий дипломатик корпус ва киллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Аҳмад ал-Фарғонийнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, улуг олимнинг ҳаёт йўли, илмий мероси ва унинг ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳақида маърузалар қилдилар. Биз анжуман ниҳоясида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Мамдуд Шавкий жаноблари билан мулоқотда бўлдик.

— Элчи жаноблари, айнан тадбирни сизнинг рес-

публикангиз томонидан уюштирилишига нима сабаб бўлди?

— Араблар билан ўзбеклар ўртасида қадимдан мустақам алоҳа мавжуд бўлган. Ҳозирда бунинг ўзаро ўрганадиган, таъриба ортирадиган жиҳатлари ҳам кўп. Тарихга назар солсак алломаларимизнинг иши фақатгина бир давлатга кас бўлмай, балки бутун инсоният учун катта аҳамият касб этган. Ал-Фарғоний умрининг сўнгги йилларини Мисрда ўтказди. Шу боис ҳам аллома ижодининг

асосий қисми араб давлатларида битилган. Бугунги анжуманнинг ўтказилиши ҳам Ўзбекистон ва Миср Араб мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг яна бир кўринишидир.

Абдулҳай Абдуллаев, «Ўзбекистон — Миср» дўстлик жамияти раиси ўринбосари:

— Аҳмад ал-Фарғоний нафақат улуг олим, балки истеъдодли таржимон ҳам бўлган. У юнон тилини мукамал билган ва юнон тилидаги кўпгина асарларни ўша даврда араб тилига моҳирона таржима ҳам қилган. Шунингдек, Аҳмад ал-Фарғоний Мисрдаги Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчаيدиган асбоб яратган. Бу усул бугунда ҳам оммабоп усуллари дандир.

Улайимизки, бугунги анжуман сингари тадбирлар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўпгина давлатларида ҳам кенг микёсда ўтказилади.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Ҳуқуқ

НАҚЛГА АМАЛ ҚИПСАК

Ҳамза тумани ҳокимлиги қошисидаги воғга етмаганлар билан ишлаш хайъатининг Оила йилига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумотларга кўра шу кунгача туманда 414 нафар ёшнинг иши кўриб чиқилди. Булар ичида энг ачирарлиси 17 та оила ноқбил деб топилиб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди. 6 нафар балогатга етмаган ёшлар ёпиқ турдаги мактабларга жўнатилди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, воғга етмаганлар билан ишлаш борасида маҳалла, мактаб, воғга етмаганлар билан ишлаш бўлими назорлари, спорт ташкилотлари қанчалар жон куйдирмасин, барибир ёшларнинг жиноятчиликка кўл уришлари, ишламасдан бекор юриш ҳоллари учраб турибди.

Шунинг учун ҳаётда аъзолари, туман прокуратураси ва ички ишлар бўлимининг воғга етмаганлар билан шуғулланувчи мутахассислари жойларда кўпроқ назорат ва тушунириш ишларини олиб боришга эътиборни қаратдилар. Айниқса, иши қилиётган боланинг оиласи, маҳалласи билан иккидўй шуғулланиш, боланинг безори бўлиб кетишига аввало ота-она, қолаверса атрофдагилар ҳам сабаби эканлиги таъкидланди.

«Бир болага етти қўшини ота-она» деган доноларимиз нақлига риоя қилсак ҳуқуқ ва жиноятчиликнинг, қондибузарликларнинг олди олинган бўлар эди. Шунинг учун ҳам воғга етмаганлар билан ишлаш хайъати Оила йилида айнан ёшлар билан ишлашнинг бarchанинг асосий вазифаси эканлигини алоҳида ўқтирди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг 1998 йилда ислохот қилишнинг ўс-тувор йўналишларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида «Қўллаб қорхоналарнинг молиявий аҳоли мураккаблигига қолмоқда. Зарар қўриб ишлаётган қорхоналардаги вазият амалда ўзгармапти... Қорхоналарнинг оғир молиявий аҳоли сабабларидан бири — аксарият жойларда қорхоналар хануз бозор шароитларига мослаша олмапти. уларнинг раҳбарлари эса боқимандалик қайфиятдан ҳалос бўлмасдан, ҳали-хануз давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қувуштириб ўтирибди...» деб таъкидлаган эдилар.

Бозор иқтисодиётининг қорхоналар олдига қўйган асосий талабларидан бири харидорбоб, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, омбор учун эмас, балки харидор учун ишлаш кераклигини «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ва раҳбарлари тўла англаб етмаганлиги қорхонанинг бугунги танг вазиятга тушиб қолганининг ўзи ҳам қорхонанинг бугунги танг аҳолини кўрсатиб турибди. Қорхонанинг 28 миллион сўм қарзи бор, омборларда эса 13 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот йиғилиб қолган. Қорхона илгарилари асосан республикамиз ва Россия, Тожикистон, Қозғистондаги пахта тозалаш заводлари учун жиҳозлар ва гидрометеорология асбоб-ускуналарини тайёрлаб беради. Иттифок парчаланиб кетган, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида гидрометеорология маҳсулотларини тайёрлайдиган завод ишга тушди, ўз-ўзидан

ҚАЧОНГАЧА ОМБОР УЧУН ИШЛАЙСИЗ?

ёки бозори касод бўлган қорхонанинг аҳоли ҳақида

маълумки, энди Россия учун «Сигнал»нинг асбоб-ускуналари керак эмас эди. Баъзи молиявий қийинчиликлар туғайли қўшни республикалар ҳам пахта тозалаш заводлари учун чиқарилган жиҳозларни олишга имконият топмадилар. Лекин қорхона 1991—1993 йилларда тўла қувват билан ишлатилиб, бор хом ашёлардан ана шундай маҳсулотлар тайёрланди ва омборларга босилди. Ваҳоланки, республикамизда 130 та пахта тозалаш заводлари ҳамда 600 та пахта қабул қилиш пунктлари фаолият кўрсатади. Уларнинг ҳаммасига ҳам ҳар йили бундай асбоб-ускуналар зарур бўлмайди. Чунки бу жиҳозларнинг ишга яроқлилик муддати 3—5 йилни ташкил этади. Гидрометеорология асбоблари эса мамлакатимиз учун бир йилда саноқлигина керак бўлади.

дай жавоб берди:

— Қорхонамизда давлат андозасидан ўтказилган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Лекин сўнгги 2—3 йил ичида жуда кўпчилик қорхона ва ташкилотлар ўз маблағларини санайдиган бўлгандан кейин, маҳсулотимизга талаб бору аммо олишга маблағлари етишмапти...

Дарҳақиқат, ачинарли томонини шундаки, ҳозир ҳиссадорлик жамияти омборларида тикилиб ётган маҳсулотларнинг ишга яроқлилик муддати ўтиб кетган, энди улар темир-тераскака айланган. Ахир шунча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча хом ашё, ишчи кучи, энергия, техника ишлатилган. Бунинг ўрнига республикамиз аҳолиси учун зарур бўлган бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши мумкин эди-ку.

талабларидан келиб чиқиб янги маҳсулот турларини яратишмоқда. Лекин бунинг учун ҳам рухсатнома олиш зарур...

Бунинг учун ҳам аввал қорхонанинг ўзида интилиш, изланиш бўлиши керак. Ахир харажатларни озгина бўлсада қўллаш учун ишламаётган цехларни ижарага берилса ҳам электр энергия, иссиқлик, сув учун маблағ тушиб туради.

Қорхонага мана бир неча ойдирик, иссиқлик бериш тўхтатилган, сув йўқ. Электр энергиянинг бутунлай узиб қўйилганлиги маҳсулот бурюртмалар бўйича ишлаётган ишчилар фаолиятини ҳам тўхтатди. Шу йилнинг 1 мартидан бошлаб ишчилар ўз хисобларидан меҳнат таътилига чиқариб юборилди. Қорхона эса вақтинча ўз фаолиятини тўхтатди. Ишчиларга эса 1997 йилнинг ноябрь

ойидан буён иш ҳақи берилмаган. «Бу ҳолга меҳнат аҳли қандай қарамоқда?» деган саволимизга қуйидаги жавобни олдик.

— Уларга ваъда беришдан нарига ўта олмаганимиз. Иложимиз қанча, ўзим ҳам қорхонага раҳбар бўлганимга 7 ой бўлган бўлса, ҳали бирор марта маош олганим йўқ. Лекин ишчиларнинг қўнчилиги иш жойини ташлаб кетгиси ҳам келмайди. Нима қилайлик, ҳаракат қилаймиш. Хом ашёнинг 90 фоизини четдан оламиз. Ҳозир эса четдан хом ашё олишга маблағимиз йўқ.

Биз ҳиссадорлик жамияти раисидан 1995—1996 йил ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қанчаси сотилганини сўраганимизда, у ҳозир режа бўлими бошлиғи йўқлиги учун жавоб бера олмаганини айтди.

Нима бўлганда ҳам бозорини яхши билмаслик, рақобатга чидамсиз маҳсулотларни омбор учун ишлаб чиқариш натижасида бу қорхона таназзулга юз тутди. Энди бу қорхонанинг келажак иш бўлади?

Биз ана шу ҳақида ўйлаб қорхона дарвозасидан чиқиб келар эканмиз, бир ерга кириб келаётган бир нечта ишчиларга дўх келдик.

— Маош олиб келишимиз, амаки? — сўради улардан бири қоровулдан.

— Йўқ, ҳали дарага йўқ, — деди қоровул бамайилихотди.

Ҳа, бугун бу қорхонага ишчилар фақат маош олиш баҳонасида келишмоқда холос. Қорхона раҳбарлари рўй берган афволдан ҳайрон, ишчилар эса ўз қадрдон қорхоналаридан қўнғил узоқмай сарсон.

Шарифа ИЛЕСОВА.



«Алта» қўшма қорхонаси пойабзалчилари мамлакатимиз аҳолисини хорижий сифатли маҳсулоти ўрнини боса оладиган оёқ кийимлари билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу эзгу ниятга, албатта, жамоа аҳлининг сидқидилдан қилинган меҳнатлари эвазига эришилди.

СУРАТДА: илгор ишчилар Захро Бўронова ва Ҳалима Усмоновалар.

Рустам Шарипов олган сурат.

Саноат

Жаҳон илм-фани, маданияти тарихида юртимиз ҳар вақт салмоқли ўринлардан бирини эгаллаб келган. Бу заминда етишган буюқ алломалар умумбашари қадриятларнинг тақомиллашуви ва ривожига катта улуш қўшганлар. Уларнинг илмий меросини синчиқлаб ўрганиш, уни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, бу борада халқаро мезонлар даражасида асарлар яратиш, умуман, бой ёзма меросимизни ҳар томонлама кенг тарғиб қилиш бугунги долзарб вазифалардан биридир. Ана шу соҳада узоқ йиллардан бўён ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган шарқшунос олимларимиздан бири — Қувомиддин Мунировдир.

Қувомиддин Мунировнинг илм аҳли орқаротдан «хазинадор» деб аташди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам олим ўз умрини ҳеч қандай мол-дунё, олтин жаҳоирлар билан ўлчаб бўлмайдиган хазина — халқимизнинг минг йиллик ёзма меросини ўзида муҳасамалаштирган қўлэмалар хазинасига бағишлади, уни авайлаб-асраш, гард юқтирмадан авлодларга етказиш, илмий тадқиқ учун шароит яратиш йўлида ўнлаб йиллар ичида жон-бозлик қўсатиб келди.

Маълумки, бу нодир қўлэмалар мажмуаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Бериунинг номи Шарқшунослик институтига жойлашган. Бу ерда жамланган қўлэмаларнинг ҳар бири ўз тарихи ва қисматига эга. Улар то бизларга етиб келганига қадар нумаларини бошидан кечирмаган. Бу ҳақда Қувомиддин Муниров билан гаплашиб қолсангиз, у соатлаб жуда қизиқ ва ибратли воқеаларни сўзлаб бериши мумкин. Қўлэма-

ларнинг айримлари Хусайн Бойқаро саройи қутубхонасидан асрлар оша етиб келган бўлса, айримлари шўро давридаги таъйин ту-файли уй синчлари орасига суваб ташланган жойлардан, ҳатто эски музористонлардан келтирилган...

Айни вақтда Қувомиддин Муниров шарқ-шунос-олим сифатида ана шу қўлэмалар-нинг илмий тавсифлаш, уларнинг илмий-изоҳ-

ни битириб институтга ишга келган йиллар-риёқ киришган эди. Натижада буюқ ўзбек тарихчиси, академик Яхё Ғуломовнинг ил-мий раҳнамоларида у «Мунис, Оғаҳий ва Баённинг тарихий асарлари» деган мо-нографияни ёзиб тугатди. Бу ўзбек тарих-навислигида алоҳида ўрин тутган Хоразм тарихнавислигига бағишланган биринчи му-каммал асар эди. Орадан кўп ўтмай уни

тарихнавислики» номли яна бир йирик мо-нография асарга нукта қўйилди ва у Хива шахрининг 2500 йиллигига бағишланиб чоп қилиш учун нашриётга топширилди.

Афсуски, бизда ҳалигача «Хива солнома-лари» силсиласига кирувчи тарихий асар-ларнинг тўла илмий-изоҳли наشري амалга оширилмаган, уларнинг илмий-танқидий матнларини тайёрлашга эса киришилгани йўқ. Ваҳоланки, бундан бир неча йил му-қаддам Шер Мухаммад Мунис ва Мухаммад Ризо Оғаҳийнинг «Фирдавсул иқбол» аса-рининг илмий-танқидий матни АҚШда тайёр-ланиб, чоп этилди. Шу жihatдан қараганда Қувомиддин Мунировнинг буюқ хоразмлик тарихнавис олими Абдулғузийхоннинг «Шажа-райи турк» асарини (К. Махмудов билан ҳам-корликда) ҳозирги ўзбек алифбосида нашр этиши бу соҳада қўлга киритилган маълум ютук бўлди. Айни вақтда олим шу кунларда Хоразм тарихнавислигидаги энг йирик асар — «Фирдавсул иқбол»ни ҳам нашрга тайёр-лаш устида иш олиб бормоқда.

Қувомиддин Муниров шарқшунослик со-ҳасида ўтказилган қўлэмалар илмий ан-жуманларда иштирок этиб келмоқда, дур-дона қўлэмалар борасидаги ўз билимла-рини ёш авлод билан ўртоқлашишга ҳа-миша тайёр. Мамлакатимизнинг турли қис-мларидан ва хориждан Институт қўлэмалар хазинасидagi қўлэмалар устида илмий тад-қиқот олиб бориш мақсадида бу ерга кел-ётган қўлэмалар тадқиқотчилар унинг мас-лаҳатларидан баҳраманд бўлиб кетмоқдалар.

Олимнинг хизматлари ҳукуматнинг орден ва нишонлари билан тақдирланган, у «Ўз-бекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳо-дим» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Етмишинчи баҳорини қаршилаётган дур-доналар шайдоси — Қувомиддин Муниров-га узоқ умр ва бардамлик тилаймиз.

Бахриддин МАННОНОВ,
Абу Райҳон Бериунинг номидаги
Шарқшунослик институтининг директорининг
уриносари.



Ҳамшаҳарларимиз

ДУРДОНАЛАР ШАЙДОСИ

ли нашрини тайёрлаш ишида ҳам фаол иш-тирок этиб келди. У қатор монография ва илмий тадқиқотларнинг муаллифидир. «Али-шер Навоий ва Амир Хусрав Деҳлавий асар-ларининг Фанлар академиясининг Шарқшу-нослик институтининг хазинасидagi қўлэмала-ри», «Етти тилда чоп этилган «Шарқ қўлэ-малари хазинаси», Сақокийи ва Ҳамза де-воллари наشري, «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» асарлари шулар жумласига ки-ради.

Айниқса, олимнинг Хоразм тарихнавис-лиги соҳасида олиб борган илмий тадқи-қотлари катта аҳамият касб этади ва илмий жамоатчилик томонидан эҳтиром билан ба-ҳоланади. Бу мавзуга у 1949 йили Тошкент Давлат университетининг шарқ факультети-

Қувомиддин Муниров номзодлик диссерт-яси сифатида ҳимоя қилди ва у 1960 йил-да алоҳида китоб ҳолида «Фан» нашриёти-да чоп этилди.

Қувомиддин Муниров бу соҳадаги ўз ил-мий изланишларини изчил суъратда давом эттириб, Хоразмда ташкил топган тарихна-вислик мактабига доир яна қўлэмалар мақо-ла-лар эълон қилди. Бу мавзуга бағишланган ўз тадқиқотларида олим фанда «Хива сол-номалари» номини олган тарихий асарлар силсиласини ҳар томонлама тадқиқ этишга ҳаракат қилди, уларда ўз аксини топан иж-тимоий-сиёсий воқеаларнинг Хива хонлиги тарихини ёритишдаги муҳим аҳамиятига ўқувчилар диққатини жалб этди. Натижада «XVII-XIX ва XX аср бошларида Хоразмда

ли нашрини тайёрлаш ишида ҳам фаол иш-тирок этиб келди. У қатор монография ва илмий тадқиқотларнинг муаллифидир. «Али-шер Навоий ва Амир Хусрав Деҳлавий асар-ларининг Фанлар академиясининг Шарқшу-нослик институтининг хазинасидagi қўлэмала-ри», «Етти тилда чоп этилган «Шарқ қўлэ-малари хазинаси», Сақокийи ва Ҳамза де-воллари наشري, «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» асарлари шулар жумласига ки-ради.

Айниқса, олимнинг Хоразм тарихнавис-лиги соҳасида олиб борган илмий тадқи-қотлари катта аҳамият касб этади ва илмий жамоатчилик томонидан эҳтиром билан ба-ҳоланади. Бу мавзуга у 1949 йили Тошкент Давлат университетининг шарқ факультети-

-1-

-2-

-3-

-4-

Пазандалик

НАВРЎ ТАОМЛАРИ

Азиз оқшомхон! Бугун сизга тақдим этаёт-ган сумалак ҳақидаги афсона, сумалак, ҳалим ва кўк сомсани қандай тайёрлаш усули ҳақи-даги маълумот бизнинг сизга Наврўз совға-мизидир. Наврўз оилангизга тинчлик, дастур-хонингизга файз киритсин!

СУМАЛАК — УТТИЗ МАПАК

Сумалак — биби Фотиманинг ошлари экан. Бир кун у кишининг болалари оч қолибди. Овқат пишириб берай де-салар, уйларида қозонга солгудек ҳеч вақо йўқ экан. Ушан-да киш чикиб, энди қўллар қўқатлари ер бағирлаб бош қўқатган вақт экан. Биби Фотима ҳовлиснинг бир четига қузда бир ҳовуч дон селган эканлар, қарасалар ўша қу-қариб, майсалар қолган экан. Даров шу майсадан ўриб ке-либ, майдалаб қозонга солиб, супрадан қўқитириб олин-ган бир сиким унинг ҳам қўйиб яхшилаб аралаштириб, у-стидан сув қўйиб қозон тагига ўт қалабдилар. Бироз қозон-ни қовлаб ўтиргандан кейин ўғилларига қўшилиб биби Фоти-ма ҳам ўқлаб қолибдилар.

Эрталаб уйғониб қарасалар, қозонни ўттизта фаришта қавлаб пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан. Чунки, сумалак — ўттиз малак дегандир.

Бугунги кунда ҳам сумалакни халқимиз совиб истеъмол қилади. Айниқса, Наврўз байрами кўнлари сумалак ҳар бир ўзбек хонадонининг дастурхонига файз қўшади. Бу таомни эса уй шароитида, газ плитасида ҳам тайёрлаш услубини уй бекаларимизнинг диққатларига ҳавола этамиз.

Бугдой — 10 грамм, ун (I нав) — 50 грамм, ёғ — 40 грамм.

Тайёр таомнинг соф оғирлиги — 200 грамм. Биз масаллиқлар меъёрини қадимдан ишлатиб келинган ўлчов бўйича олдик. Маълумки, сумалакни Наврўз вақтида қатта қозонларда қўқичлик бўлиб тайёрлашди. Ҳозир уни кастриолкада, газ плитада ҳам 3—4 киши бемалол тайёрла-ши мумкин.

Сумалак 10 кишига тайёрланадиган бўлса, қозонда қў-сангилар микдор 10 баравар қўқоч олинади. Бугдой ювил-гандан кейин тахта (фанера) устига ёйиб қоронғи жойга қўйилади ва устига доқа ёйиб, доқага ҳар кун сув пуркаб турилади; бугдой нам шароитда уна бошлади. 10—15 кун-да майсани бармоқ бўйи келадиган бўлиб қолади; шундан кейин уни бўлақларга кесиб, илдири ва майсаси билан бирга тахтадан ажратиб олиш ҳамда қиймалаш машинасида ў-қазиб ва тоғорага солиб, устига сув қўйиб аралаштириш ва доқадан сузиб, шарбатини бирор идишга қўйиб олиш ке-рак. Шундан кейин бугдой турпи устига яна сув қўйилади ва яна аралаштириб, доқадан сузиб, шарбатни бошқа иди-шга қўйиб олинади; буни 3 марта такрорлаш ва ҳар гал шарбатни бошқа-бошқа идишларга қўйиб қерак; шундан кейин бугдой турпи ташланади.

Қозонда ёғ қиздирилди, совуғандан кейин ун солиб аралаштирилди, кейин биринчи марта сузиб олинган шар-бат қўйилиб, унинг қумоқлари обдон ёзилгунча махсус ёғоч қуракча ёки ёғоч қўмич билан аталанади; қозон (кастриол-ка) ни оловга қўйиб, атала қайнатилди, сўнгра иккинчи идишдаги шарбат қўйилади, қайнаб чиққандан кейин учинчи идишдаги ҳам қўйилади ва қозон тўқтовисиз қавлаб турган ҳолда қайнатилди.

Қозонга қайноқ сувда яхшилаб ювиган 5—10 та майда тош ташлаб қўйилса сумалак қўймайди (тагига олмайд). Тайёр сумалак қуюқ аталага ўқайди, мазаси ширин, ўзи оч янгиранг бўлади. Сумалак пишигандан кейин олов-дан олиниб, 1—2 соат димлаб қўйилиши лозим.

ҲАЛИМ

Сумалак каби ҳалим халқимизга қадимдан маълум. Ҳа-лим, ҳашар ақтлариди, баъзан қатта маъракада баҳор ойларида тайёрланган. Ҳозиргача бу таомга қатъий меъёр белгиланмаган. Халқ мўлжалида бир кишига 100 грамм гўшт, 100 грамм бугдой турпи қолган; сўнгра бу бошқа масаллиқ-лар таҳминан олинган. Шунинг учун биз ҳам унинг аниқ нормасини ва соф оғирлигини бермадик.

Тайёрлаш усули: қатта қозонга ўғирда янчилган, оқлан-ган бўлбой, шунингдек сўт, сув ва туғралган мол гўшти совиб 12 соат қайнатилди, бу вақт ичида қозон узуқисиз равишда қавлаб турилиши лозим. Қозон қайнаётганида вақ-ти-вақти билан сўт қўшиб турлади.

Пишиган ҳалим атала сингари қуюқ, гўшти жил-жил пишиб титилиб кетган бўлади.

КЎК СОМСА

Ошқўқлар — 100 грамм, жизза — 20 грамм, ун — 30 грамм, туз — 5 грамм, мурч ёки қалампир — 1 грамм. Битта сомсанинг соф оғирлиги — 75 грамм.

Март — апрель ойларида қўқатлар энди ниш урган бўла-ди. Кўк сомса айна шу ойларда пиширилди. Бундай сомса турли дармондориларга бой бўлиб, организм учун фойда-лидир.

Қўқатлардан ялпиз, жағ-жағ ўт, беда ва отқўлоқ териб олиниб, яхшилаб ювилади, майда қилиб тўғралади, туз се-пиб аралаштирилган, бир оз вақт тиндириб қўйилади, сўн-гра ёғда қовурилади, қаттиқ қилиб пиширилиб майда тў-ғралган тухум қўйилса, қийма жуда мазали бўлади.

Ун эланиди, сув, туз солиб ҳамир қорилиди (ҳамир қат-тиқ бўлмаслиги керак) эзувала ўқлоқда ёйилади, пиланинг оғзини қўйиб жилдлар кесилди. Сўнгра қозонда айтиб ўтилганидек, ҳар бир жилднинг ўртасига қийма қўйиб, ду-малоқ сомсалар тўғилди ва тандирда ёки духовкада пиши-рилади: сомсаларни ёғда қовурса ҳам бўлади. Кўк сомсани шафтоли гулидан ҳам тайёрлаш мумкин.

Холида ИСКАНДАРОВА
тайёрлади.



Қўғирчоғим — олпоғим...
Равилъ Альбеков олган сураг-навҳа.

«Олой» бозорида бир қанча тадбиркорларни қўқичиб «тирикчилик» қилиб юрган тошкентлик товламачи-фирибгар О. Саторов ёш тадбиркор Б. Тўхтаназаровдан сол-лик ҳужжатларини «етар-ли эмас» деган баҳона билан 3 минг 500 сўмни ундираётган пайтда қўл-га тушди. Шу бозорда 13 минг 643 АҚШ доллари, 12350 қозоқ тенгесини олиб сотган, пойтахт ви-лоятининг Қирбай тум-нида истиқомат қилувчи Ҳалима Эреджоева ва Чилонзор даҳасида яшовчи Абдулаҳад Мух-торов ҳам доғда қолиш-ди. Улар олди-сотди жа-раёнида тумшукларидан иланишди.

Шу йилнинг январь ойида тезкор бўлим бо-шлиғи номига Юнусобод туманида истиқомат қи-лувчи фуқаро Олға Бо-родиновдан шашинич ёрдам кўрсатиш ҳақида ариза тушди. Аризачи ўз шикоятда яқин дўстла-ридан бири қонунбузар-лик ҳолати учун бир йил-га қамоққа ҳўм қилин-ганини, у киши ҳозир пойтахт вилоятларидаги ҳудудлардан бирида қа-моқ жазосини ўтаётган-лигини маълум қилади.

Шу билан бирга аёл Ни-колай қамалган, унга но-таниш бўлган икки эркек фуқаролар Юрий Ш. ва Ростислав Э. (номлар бироз ўзгартирилди) аёлнинг Юнусобод даҳа-сидagi турар жойига ке-либ ундан «Сенинг дўс-тинг биздан 800 АҚШ долларини қарзга олган эди. Биз унинг қамондан қайтишини кутиб тура олмаيمиз. Шу боис уни-нг қарзини устамаси би-лан ҳозирги нарҳда — 3 минг доллар қилиб сен тўлайсан. Агар бизнинг шартимизга қўнмасанг

ўғлингдан айриласан», — деб пўписа қилаётганли-гини баён қилади. Кейин у қамондаги Николай би-лан рўқсат олиб учрашган-лигини, у эса қатъий ра-вишда Юрий ва Ростис-лавдан ҳеч қандай қарз олмаганини айтган.

Жиноятни жиловлаш юзасидан тезкор гуруҳ ту-

бунга рози бўладилар. Рэ-кетчилар «Пулни кеч соат 17 да «Олой» бозорига ки-раверишдаги марказий Арк дарвоза олдида биз-га топширасан» деган кўр-сатма бериб кетадилар.

Олға дарҳол тезкор гу-руҳ билан учрашиб пулни топшириш жойини ва пайтини маълум қилади.

«02»

«ТУЗОҚ» ТҮРИГА ИПИНГАНЛАР

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошкар-маси тизимидаги Юнусобод — Яққасарой туманлараро коррупция, рэкет ва террор-чиликка қарши кураш бўлими жамоаси «Олой» ва «Аския» деҳкон бозорлари ҳис-садорлик жамиятлари ҳудудларида турли қонунбузарликларнинг олдини олиш бора-сида қатор чора-тадбирларни амалга ошир-моқда.

зилади. Гуруҳ таркибига тажрибали милиция зо-битларидан Неймат Аҳме-дов, Шерзод Жалилов, Сергей Симашкин ва Жа-ҳонгир Раҳимбоевлар ки-ртилади. Шу йўсинда «Тузоқ» тадбири режаси-га киришди.

Олғанин уйига Юрий ва Ростислав «ташир-фи» эканлигини, агар 2 кун давомида «қарзини» узмаса, унинг кунни бит-ганлигини айтиди. Шундан сўнгра жабр қўру-чи аёл милиция режаси бўйича рэкетчиларга икки кундан кейин келишари-ни, пулни тайёрлаб қўйи-шини таъкидлади. Ҳозир эса қариндош-уруғлардан қарз олиб пул жамғараёт-ганлигини, қарзини эса доллар билан эмас, бал-ки сўм билан қайтариши-ни айтиди. Рэкетчилар

Пулни топшириш учраш-ви олдиндан тезкор гуруҳ Олғанин ёқасига овоз ёзиш мосламасини тақиб қўяди. Айтилган вақтда Олға келишилган жойда ҳозир бўлди. Тезкор гуруҳ аъзолари ҳам шай бўлиб турдилар. Олға ёнига ик-ки йигит яқинлашиб кела-ди. Шу пайт Олға ёзиш мосламасини ишга туши-риб уларни гапга солиди: «Кечирасизлар, мен қар-зимнинг ярмини аранг йи-гим, мана олинглар, қол-ганини бир ойдан сўнгра қайтараман» дейди. Ўлжа-ни ундирмаган жўфтакни ростлай деган пайтда жи-ноят устида ушланадилар.

Тезкор бўлим бошлиғи номига келган яна бир аризада Тошкент тўкима-чилик қорхонаси ишчиси Воҳид О. ўзи истиқомат қилаётган Яққасарой ту-мани маҳалласида яшов-чи, аввал содир этган бир

қанча оғир жиноятлари учун судланиб қамалиб чиққан, ўзини жиноят оламининг «обрули на-моёндалари»дан деб ҳи-собловчи Раҳим С. ундан 10 минг сўмни зўрлик билан талаб қилаётганли-ги баён этилади.

Бошлиқ Алишер Иса-ев зўрлик билан бу рэ-кетчи фаолиятига чек қўйиш юзасидан ҳам Их-тиёр Раҳимов, Жаҳонгир Раҳимбоев ва Неймат Аҳмедовлардан иборат гуруҳ тузади. Гуруҳга бў-лим бошлиғи ўринбоса-ри, милиция капитани Н. Аҳмедов бошчилик қи-лади. Тезкор гуруҳ билан келишилган режа бўй-ича ишчи Воҳид О. товла-мачиларга 10 минг сўм-ни тўлашга рози эканли-гини билдиради. Шунга кўра 10 минг сўм тезкор бўлимда тегишли экс-пертиза қондасига би-ноан «ишланади». Ура-шув пайтидаги содир бў-ладиган воқеани қайд этиш юзасидан олдиндан тегишли холис гувоҳлар ҳам тақлиф қилинади. Улар 10 минг сўмлик ол-ди-берди воқеасини чет-да кузатиб турдилар. Уч-рашув жойига лапанглаб, ўз ўлжасини ҳеч бир кам-қўстисз олишга ишонган Раҳим С. ва унинг дўсти Олег М. келишади. Улар Воҳидга рўпара бўлиб: «Қани, узат, пулни», — деб буйроқ беришади. Жабрланувчи пулни уза-ди. Шу онда улар қўл-га олинди.

«Харом» лўқма ош бўл-мас» деб шунга айтсалар керак.

Малик

НУРИДДИНОВ,

Махмуд

КОМИЛЖОНОВ,

**Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ**

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Тошиссиққувати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 30 мартдаги 113-сонли қарорига биноан 1997—1998 йиллар иситиш мавсуми 1998 йил 1 апрель кунин соат 00 да тўхтатилганлигини маълум қилади

1998—1999 йиллар иситиш мавсумига сифатли тараддуд қўриш мақсадида 8 апрелдан 21 апрелгача иссиқлик тармоқларининг энчилиги учун синовлар ўтказилди:

1998 йил 8.04.

8-Иссиқлик маркази (ИМ) — Сергеевнинг 1 турар жой-даҳасидан 8-даҳасигача, Спутник 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19-мавзелари, 1-2 турар жой даҳаси тегарлари

1-ИМ — Яланғоч, Бўя-1, Паркент, Чизель, «Тошқинлоқмаш» турар жой даҳа-лари, ТошГРС қўғон, Ф. Ҳўжаев, Ж. Обидова, Раҳматуллин, Буюк Илак Йўли, Х. Абдуллаев, Сайрам, Мўминов, полковник Муҳитдинов, Эргашев, Оқўрғон, Пуш-кин қўчалари тегарлари

1998 йил 9.04.

9-ИМ — Чилонзор турар жой даҳаси, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19-мавзелари, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-2, Иза, Бешқайрағоч, Х. Турсунқўлов қўча-си тегарлари

1998 йил 10.04.

3-ИМ — Чорсу, Бешёғоч, Олмасор, Қоратош, 2/1-Қорақамчи, Б-1, 2, 3, Мар-каз-10, 11, 14, Марказ-26, 27, 28 турар жой даҳалари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай шоҳқўчалари, Ўзбекистон, Бериунинг, генерал Узоқов, Ниезов, Афросиёб қўча-лари тегарлари

1998 йил 10.04.

4-ИМ — Юнусобод даҳасидagi 1, 2, 3, 4, 5, 6, 11, 13, 14, 17, Марказ-5, Марказ-6 мавзелар, Мойқўрғон, А. Донич, Муродов, Бодомзор, Ҳакимзода қўча-лари тегарлари

1998 йил 10.04.

7-ИМ — Авиасозлар шаҳарчаси, Гузал турар жой даҳасининг 1, 2, 3, 4-маве-злари, 1-Узбекистон комбинати, Слоним 1, 2-мавзелари, Слоним қўчаси тегарлари

1998 йил 10.04.

4-ИМ — Юнусобод турар жой даҳасининг 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19-мавзелари, Сохибор даҳаси тегарлари

1998 йил 10.04.

ИҚМ — Ш. Рашидов шоҳқўчаси, Мухомий, Арнаёли, Ш. Исломов, Аския, ака-демик С. Миррахматов, Бобур, У. Носир, Афросиёб, академик Сулаймонова қўча-лари тегарлари

1998 йил 10.04.

2-ИМ — Ҳўмон, Қорасув 1, 2, 3, 4, 6, Бўя-2, Феруза турар жой даҳалари, Геофизиклар қўғони, академик Абдуллаев, Қодиров, Т. Малик қўчалари тегарлари

1998 йил 15.04.

ИҚМ — Бошлиқ, Қўшбеги турар жой даҳалари, Авиасоҳарча, Бобур, Нукус, Глинка, Миробод, А. Тўқай, А. Темур, Локомативная, У. Умаров қўчалари тегарлари

1998 йил 16.04.

4-ИМ — Марказ-12, 13, 15, 16, 17, 18-турар жой мавзелари, Абай, Қодирий шоҳқўчаси, Бобожонов, Хушид, Шамсуддинов, А. Хидоятлов, Ниезов, Ҳасанов қўча-лари тегарлари

1998 йил 16.04.

5-ИМ — Чилонзор турар жой даҳасининг 12, 1-9 а, 26, 20 а мавзелари, Сановат зонаси, академик С. Миррахматов, Навоий, Қўқат қўчалари тегарлари